O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 29 июнь № 135 (3410) Сешанба

# Дон хирмонига барака

### ФАРҒОНА

Фарғоналик ғаллакорлар, мана бир неча йилдирки, мамлакатимизда пешқадамлар сафида шартнома режасини бажариб келишмоқда. Жорий йилда вилоят тарихида илк маротаба ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлатга 252 минг тонна ғалла топширилди.

Энг муҳими, бу йил ўрим-йиғим мавсуми уюшқоқлик, юксак сафарбарлик билан ўтказилмоқда. Масалан, шартнома режаси ўтган йилдагидан бир ҳафта олдин, яъни 15 иш кунида уддаланди. Бунга биринчилардан бўлиб топшириқни бажарган ва ҳосилдорликни 60 центнердан оширган Тошлоқ, Олтиариқ туманлари муносиб ҳисса қўшдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### СУРХОНДАРЁ

Давлатга 212 минг тонна ғалла топширган сурхондарёлик деҳқонлар шартнома режасини бажардилар. 17,5 минг тонна уруғлик дон тайёрланди. Омборга тушган донни нес-нобуд қилмай сақлаш чоралари кўрилаётир.

Мустақиллигимиз берган катта инъомлардан бири шу бўлдики, кейинги ўн учўн тўрт йил давомида ғалла ишлаб чиқариш Сурхондарёда ўн бараварга кўпайди. Воҳа деҳқончилигида ўзига хос мактаб яратган Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев бошқараётган Деновдаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги, ўн йилдирки, ғалла ҳосилдорлигини 50-55 центнердан пастга туширмай келаяпти. Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев гектаридан 80 центнердан хирмон кўтарди. «Ортиқ бобо», «Нордирбек», «Вали Суюн», «Орифжон», «Гулистон» номли фермер хўжаликлари ҳам давлатнинг, ҳам ўз хонадонларининг омборларини буғдойга тўлдирдилар.

Вилоят буғдойзорларида қудратли «Кейс» комбайнлари гуриллаб ишлаб турибди. Сурхондарёликлар 400300 тонна ғалла ишлаб чиқаришдек катта режани ҳам муваффақиятли уддалаш учун ўрим-йиғим ишларини давом эттирмоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ХОРАЗМ

Вилоят ғаллакорлари шартнома режасини ортиғи билан уддалаб, давлатга қарийб 44 минг тоннага яқин дон сотдилар. Ҳар гектар майдондан йиғиштириб олинган ҳосил 38 центнерни ташкил қилмоқда. Ушбу ғалабага Хонқа, Янгиариқ, Янгибозор, Гурлан, Шовот ва Ҳазорасп туманлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Айни пайтда вилоятда ўрим мавсуми қизғин давом этмоқда. Ҳали ғаллазорларнинг 30 фоизига ўроқ тушмаган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Тошкент.** Туман ғаллакорлари бу йил мавжуд 2538 гектардаги ғаллазордан 5900 тонна сара дон йиғиштириб олиб, пойтахт вилоятида пешқадамлик қилдилар. Эришилган ғалабада "Тошкент", Тўлабий номли, Ғ. Умаров, Й. Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари ғаллакорларининг ҳиссаси беқиёс. Туман деҳқонлари ялпи хирмонни 11150 тоннага етказиш ҳаракатида меҳнат қилмоқдалар.

**С. МАТЁҚУБОВ.**
**Тошкент вилояти.**

**Сирдарё.** Туман ғаллакорлари Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини бажардилар. Қабул манзилларига 18 минг тонна сара дон топширилди. Бу шартномадагидан қарийб минг тонна кўп демакдир. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Тез кунлар ичида умумий кўрсаткич 20 минг тоннани ташкил этиши кутилаётир.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**




*Ҳозирда мамлакатимиз ғаллазорларида ўрим-йиғим авж паллада. Далаларда етиштирилган ризқ-рўзимиз манбаси — дон нес-нобуд қилинмасдан омборларга пешма-пеш ташилмоқда.*

*Учқўрғон туманидаги «Шорлик» фермер хўжалигида ушбу мавсумда ҳар йилдагидан кўра мўл ҳосил етиштирилди. Ғаллакорлар мавжуд 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнердан сара дон олишга эришдилар. Шу билан бирга давлатга сотилган ғалладан ташқари ўз тасарруфларидаги доннинг муайян қисми 126 нафар ишчиларга ҳамда 60 тоннаси тумандаги кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилди.*

*— Хайр-саховатда, меҳр-мурувватда ҳислат кўп, — дейди фермер Салимжон Алибоев. — Хўжалигимиз кўраётган фойда ҳисобидан тез тиббий ёрдам маркази йўлининг 5 километрига шағал ётқизилди, 2 километрдан зиёд газ ҳамда 1 километр масофага ичимлик сув қувурлари тортилди. 37-мактабни таъмирлашга 2,5 миллион сўм сарф қилинди.*

**СУРАТДА: фермер Салимжон Алибоев мўл ҳосилдан мамнун.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# 2004 йил 1 июлда ўзбек халқининг миллий ифтихорларидан, мустақил давлатимизнинг рамзларидан бири бўлган миллий пул бирлигимиз

***2004 йил 1 июлда ўзбек халқининг миллий ифтихорларидан, мустақил давлатимизнинг рамзларидан бири бўлган миллий пул бирлигимиз — сўмнинг муомалага киритилганлигига 10 йил тўлади. Ана шу ўтган йилларга назар солар эканмиз, бир пайтлар худди гўдакдек «атак-чечак» қилган сўмимиз бугунги кунда қаддини ростлаб, дадил қадам ташлаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Тарихий тараққиёт учун унча катта бўлмаган давр ичида ўзбек пул бирлиги конвертация қилинишига эришилди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда сўмимиз доллар, евро, фунт стерлинг, иена каби бели бақувват хорижий валюталарга бемалол эркин алмаштирилмоқда. Бундай объектив реалликка эришилганини бизнинг ютуқларимизга нисбатан «кўзи учиб турмайдиган» мухолифларимиз ҳам эътироф этишдан ўзга чорани топа олмаяптилар.***

## Сўм конвертацияси:

# КИМЛАРГА НИМАЛАРИ ЁҚМАЯПТИ?

Мана, улардан бирининг фикри: «В республике открылись и работают многочисленные пункты по ее продаже. В них свободно можно купить или продать четыре вида валюты – доллары, евро, фунты или иены. Наличная валюта в обменниках... есть... Отстояв небольшую очередь в обменник, можно совершать сделку совершенно спокойно».

Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, сўмимизнинг конвертацияланиш борасида эришган бу ютуқларимиз мухолифларимиз, бизнинг «ташвишимиз»да юрганлар, бизнинг келажагимиз учун «қайғурадиганлар» учун етарли эмасдек кўринади. Сўмимизнинг конвертация қилиниши билан боғлиқ бўлган айрим масалаларнинг ҳал қилинганлик тартиби уларга ёқмаяпти.

Хўш, нимаси ёқмаяпти экан? Бир таҳлил қилиб кўрайлик-чи, қандай манзаранинг гувоҳи бўлар эканмиз.

Таҳлилимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун бу мақолада Интернет саҳифаларида «жонбозлик» кўрсатаётган «Денисжон» ( Денис Крилов)нинг «қайғуришлари»ни келтирмоқчимиз. Мухолифларимизга ёқмаётган нарсалардан бири валюта айирбошлаш шохобчаларида доллар, евро, фунт ва иеналар билан бир қаторда Россия рубли ва Қозоғистон тенгесини эркин алмаштиришнинг кўзда тутилмаганлигидир. Мана, уларнинг фикри: «Обмен таких популярных валют, как рубли и тенге не предусмотрен». Бу билан улар нима дейишмоқчи? Мақсад нимадан иборат? Уларнинг фикрича, сўмнинг Ўзбекистон учун «популярный» бўлган бундай валюталарга нисбатан ҳам эркин алмаштирилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Биз ҳар доим Россия рубли ва Қозоғистон тенгесининг ҳурматини ўз жойига қўйиб келганмиз. Шундай бўлишига қарамасдан, бундай фикрга борган «ўртоқлар» бизнинг қуйидаги саволларимизга холисона жавоб беришларини истардик: қачондан буён «рубль» ва «тенге» Ўзбекистон учун «популярный» бўлган валютага айланиб қолди? Уларнинг Ўзбекистон учун «популярный»лигининг асоси нимада? Қўшни эканлигидами? «Рубль» ва «тенге»ни доллар, евро, фунт ва иеналар билан бир қаторга қўйиш ва уларга бир хил кўз билан қараш сўмнинг конвертацияланиши масаласига нисбатан ўринлимикан? Дунёдаги бошқа мамлакатлар ўз валюталарига нисбатан конвертация масаласини ҳал этаётган пайтда қандай иш тутишаяпти? Сўмнинг конвертация қилиниши масаласи ҳал этилаётган паллада Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларини эсдан чиқариши ёки уларни назар-писанд қилмаслиги керакми? «Ўртоқлар» назаридаги «мақсадга мувофиқ таклифлар»нинг амалга оширилиши кўпроқ кимларнинг манфаатларига мос келар экан?..

Шунингдек, бизнинг ташвишимизга «бефарқ» қаролмайдиган «ўртоқлар»имизга валюталар алмашув курси белгиланаётган пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг иштирок этаётганлиги ёқмаяпти. Мана уларнинг фикри: «Обменный курс в этих пунктах складывается не по рыночной стоимости (исходя из спроса и предложения), а устанавливается Центробанком".

Валюта айирбошлаш операциялари биржадан ташқари валюта бозорининг бир сегментидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган «Биржадан ташқари валюта бозорида чет эл валютасини харид қилиш ва сотишга доир операцияларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ валюта айирбошлаш шохобчасидаги алмаштириш курси ҳам банклараро савдо сессияларида талаб ва таклиф асосида ўрнатилган курсга асосланган ҳолда ваколатли банклар томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда ваколатли банклар жисмоний шахсларга нақд хорижий валюта олди-сотди операцияларини амалга оширишда банклараро савдо сессияларида талаб ва таклиф асосида ўрнатилган курсга асосланган. Шу туфайли, ваколатли банклар валюта айирбошлаш шохобчаларидаги алмаштирув курслари ҳам Марказий банк томонидан белгиланмайди.

(Давоми 2-бетда).

# Халқ қалбининг кўзгуси

Ўзбек миллий академик драма театрида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Байрамга шу соҳада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган устозлар, матбаа ходимлари, ёш журналистлар, меҳмонлар, муштарийлар таклиф этилдилар. Анъанага айланган байрамнинг бу галгиси одатдагидан кўра бошқачароқ ўтганини эътироф этиш жоиз. Зеро, бу ҳукуматимизнинг мазкур соҳа вакилларига кўрсатаётган эътиборидандир. Айни эътибор боис шу йилда Журналистлар ижодий уюшмаси ташкил этилди ва иш бошлади.

Меҳмонлар театр биноси олдида карнай-сурнай садолари остида кутиб олиндилар. Тантана бошланди. Юртбошимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда журналистларимиз зиммасида улкан масъулият бор. Бу масъулиятни ҳис қилиш, ишончни оқлаш ҳамкасбларимизнинг асосий мақсадига айланмоғи керак. Зеро, табрикда айтилганидек: "*...информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида матбуот, айниқса, журналистлар зиммасида бир-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, менинг назаримда, уларнинг орасида энг муҳим йўналиш борки, у ҳам бўлса, халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат*".

Дарҳақиқат, жамият ҳаётидаги ислоҳотлар муваффақияти журналистларга ҳам боғлиқ. Чунки муаммоларни бартараф этишда, масаланинг ечимини топишда холис, таҳлилий-танқидий чиқишлар қилиб боришнинг ўрни, аҳамияти беқиёс. Айниқса, мустақил юртимизда кечаётган кенг ислоҳотлар даврида бундай холис ёндошувлар ниҳоятда зарур.

Тадбирда соҳа фахрийлари ва ёш журналистлардан бир гуруҳига Президентимиз номидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолибларига Журналистлар ижодий уюшмасининг мукофотларини уюшма раиси Шерзод Ғуломов топширди.

Тантанада элимизнинг машҳур санъаткорлари, эстрада хонандалари ўз қўшиқлари билан меҳмонларни хушнуд этдилар. Байрам тадбирлари, шунингдек, 27 июнь куни Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғида ҳам давом этди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР — АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Холмурод САЛИМОВ).***

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Руслан Мирзаев, мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор Исмоил Эргашев ва бошқалар академия битирувчиларини қизғин табриклади.

— Академиямизда бу йил илк бор Моделлаштириш ва симуляция махсус маркази ҳамкорлигида тингловчилар билан компьютерлашган қўмондонлик-штаб машғулотлари ўтказдик, — дейди Қуролли Кучлар академиясининг бошлиғи, генерал-майор Феруз Усмонов. — Бугун миллий армиямиз сафига Ватанимизга содиқ, профессионал билимга эга малакали офицерлар қўшилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топширди.

## Огоҳлик

# ИСЛОМ НИҚОБИДАГИ НЕОФАШИЗМ

### *Муқаддима*

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент учрашуви қатнашчиларига бағишланган концертдан чиқиб кетаётганимда, дипломатик корпус вакиллари ҳавас билан "Биз Ўзбекистондан ҳали кўп нарсани ўрганишимиз керак. Бу ерда уюштириладиган ҳар бир халқаро йиғин шунчаки расмий тадбир шаклида, "протокол учун" ўтмай, балки инсоний самимиятга йўғрилгани, халқнинг қалб ҳарорати шундоқ сезилиб туриши билан одамни ўзига тортаверади" деганини эшитдим.

Кейин концертдан чиққан минглаб ватандошларим қатори тунги шаҳар бўйлаб яёв юрдим. Концерт тугаган, бироқ унинг кишилар кўнглига ўтган таассуроти тугамас эди. Бир одам Дилнуранинг "Мустаҳзоди"га тан берганини шавқ билан гапирса, бошқаси Хитой цирки усталари маҳорати ҳаммани ҳайратга солганидан ҳикоя қилади. Кекса опахон "Дилхирож"нинг тожик тилидаги ижросини биринчи бор эшитиб турганини айтса, рус қизалоқ — консерваториямизнинг ёшгина талабаси россиялик машҳур пианиночи Денис Мацуевни ўз кўзлари билан кўрганига ишонгиси келмас эди...

Бу кайфият мени санъатнинг буюк қудрати тўғрисида ўйга толдирди. Дарҳақиқат, мазкур концертда тили, урф-одатлари турлича бўлган олти миллат санъати намойиш қилинган бўлса-да, унинг умумий руҳида, ҳар бир чиқишнинг туб мағзида инсонпарварлик, эзгулик, таржимага муҳтож бўлмаган туйғулар тараннум этиларди. Инсон гўзаллиги, унинг боқий орзу-ўйлари, яхшиликка талпинган қалби акс этарди бу чиқишларда.

Мен шу куни санъатнинг яна бир муҳим фазилати тўғрисида ўйладим. Унда халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи, дўстлаштирувчи, иноқлаштирувчи сирли куч бор! Мамлакатимиз раҳбари шу қудратни ичдан ҳис этгани учун ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент учрашувини айнан шу тадбир билан бошлаш тўғрисида кўрсатма бергандир балки. Мазкур учрашувнинг юқори савияда ва жуда самарали ўтгани ҳам шунинг тасдиғи эмасми?

Учрашув кунлари яна бир муҳим воқеа юз берди. Ватанимиз пойтахти Тошкентда Минтақавий аксилтеррор маркази олти давлат раҳбари томонидан очилди. Бугун Хитой ва Россия сингари жаҳоннинг йирик давлатлари иштирокида халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш йўлида ўзаро бирлашмоқдамиз. Бу тарихий воқеаларни холис кузатаётган ҳар қандай фикрловчи инсон ўзи учун шундай хулоса чиқариши табиийдир:

Ер юзида ҳаёт ва тараққиёт тантана қилмоғи учун халқлар ва миллатларни бир-биридан узоқлаштирадиган, ётлаштирадиган жиҳатларни эмас, балки уларни бир-бирига яқинлаштирадиган, биродарлаштирадиган ришталарни изламоқ ва топмоқ керак!

Демак, моҳиятан бир-бирига зид, қарама-қарши икки ҳодисот дунё халқларини ўзаро бирлаштирувчи, жипслаштирувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда: гўзалликни асраш ва ёвузликка қарши кураш!

Дунёнинг энг катта қитъасидаги олти давлатнинг бирлашиб, алоҳида йирик бир ташкилотни очишга уларни нима мажбур этяпти? Бу қандай ёвуз кучки, ўзига бунчалар жиддий эътиборни талаб қилади? Нега бу давлатлар фақат эзгу мақсад – бунёдкорлик йўлидагина эмас, балки терроризм деган кучга қарши биргаликда кураш олиб боришга ҳам мажбур бўлмоқдалар? Бу хавфни Сизу биз – оддий фуқаролар ҳам шу даражада ҳис қиламизми? Онгу шууримизда, кўнглимизда айни ҳиснинг пайдо бўлиши учун балки қуйидаги фактлар бизга ёрдам берар.

### *Хавфнинг кўлами*

XX аср фалсафа фанида, жумладан, унинг йирик вакилларидан бири Эрих Фромм асарларида инсонлар табиатида ҳукмронлик қиладиган икки жиҳат тўғрисидаги қарашлар илгари сурилган. Улардан бири биофилия — ҳаётга (тирикликка, бунёдкорликка, яшноқлик ва эзгуликка) муҳаббат бўлса, иккинчиси некрофилия — ўлимга (ўликка, турғун, қотиб қолган, айниган, вайронага айланган нарсаларга) муҳаббатдир. Машҳур файласуфнинг таъкидлашича, кўпчилик одамлар табиатида биринчи фазилат мутлақ устунлик қилса, айрим кимсалар, туғилганидан сўнг ҳаёти кечадиган муҳит таъсирида, аста-секин некрофил характер касб этиб боради. Э. Фромм, жумладан, фашизм "доҳийлари" бўлмиш Адольф Гитлер ва Генрих Гиммлер биографиясини синчиклаб ўрганиб, уларнинг ҳар иккиси айнан некрофил табиатли кишилар бўлганини исботлайди. (Бу ҳақда қаранг: Эрих Фромм. Адольф Гитлер. Клинический случай некрофилии. М., "Прогресс" 1992.)

Мазкур китобда ўтган асрнинг 30-йилларида Европадаги қатор мамлакатлар аҳолиси онгини заҳарлай бошлаган фашистик дунёқараш илдизлари очилиб, бир қатор характерли мисоллар келтирилади. Масалан, Биринчи жаҳон уруши ногирони, испаниялик миллатчи генерал Милан Астрай Саламанка шаҳри университети талабалари олдида чиқиш қиларкан, жазавага тушиб, аввал "Яшасин ўлим!" шиорини, кейин эса "Йўқолсин, зиёлилар!" деган чақириқни майдонга ташлагани ҳикоя қилинади (16-17 бетлар).

А.Гитлер эса ўзининг 1942 йилдаги машъум баёнотларидан бирида, жумладан, шундай деганди:

(Давоми 2-, 3-бетларда).






# Телефонда — тест маркази директори

***«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари июнь ойининг бошларида Сиз, азиз муштарийлар билан Ўзбекистон Давлат тест маркази директори Баҳромжон Маҳмудович Исмоилов ўртасида «Бевосита мулоқот» уюштиришни режалаштирган эди.***

Ушбу тадбирга тааллуқли эълон газетамизда берилган (2004 йил 12 июнь) кундан бошлаб, унга республикамиз аҳолисида қизиқиш ва эҳтиёж катта эканлиги яққол аён бўлди: таҳририятга, Давлат тест марказига ўтган икки ҳафтада хилма хил масалаларни ўз ичига қамраб олган беҳад кўп миқдордаги саволлар келиб тушди. Ниҳоят, шу йилнинг 28 июнь куни ДТМ раҳбари билан икки соатли қизғин ва самарали «Бевосита мулоқот» амалга оширилди. Эрталаб соат 10.00 дан 12.00 гача Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардан тинимсиз қўнғироқлар бўлди. Халқимизни эса кўп нарсалар қизиқтиради: Бу йилги тест синовларида ўтган йилларда эълон қилинган «Ахборотнома»лардаги саволлардан ҳам фойдаланиладими ёки мутлақо янги тест топшириқлари бўладими? Бу йилги тест синовларида олий ўқув юртларида 4 та фан бўйича ўтказиларкан, деб эшитдик. Шу тўғрими? Бошқа мамлакатлардан олинган дипломларга муносабат қандай бўлади? – каби масалалар шулар жумласидандир. Лекин катта кўпчиликни ҳаяжонлантираётган саволни биринчи бўлиб Хоразм вилоятидан Жуманазарова айтди: бу «Олий таълимда сиртқи бўлим сақланадими?», деган саволдир...

**«Бевосита мулоқот» қатнашчиларининг саволларига ДТМ раҳбарининг жавоблари билан газетамизнинг яқиндаги сонларидан бирида танишасиз.**

**Газетамизнинг ўтган сонида Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида" деб номланган туркум семинарлар ўтказишга киришганини хабар қилган эдик. Кеча ушбу мавзудаги анжуманларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди.**

# Сиёсий одоб қоидалари

## мамлакатимизда уни такомиллаштириш учун ишончли ташкилий асос яратилган

У "Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилги сайлов кампаниясида сиёсий одоб доирасида иш тутиш муаммолари" деб аталди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари қатнашдилар.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев очди ва янги парламент сайловида сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳамда депутатликка номзодларга тенг имкониятлар яратиш масалалари хусусида маъруза қилди. Адлия вазирлигининг жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Ж.Абдусатторов, Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Ж.Исмоилов, Марказий сайлов комиссияси аъзоси К.Одилов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари Б.Эргашевлар сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, сиёсий партиялар сайлов кампаниясини молиялаштириш масалалари, депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сайлов кампаниясида тутган ўрни, сайловолди ташвиқотида депутатликка номзодларнинг сиёсий одоб қоидаларига риоя этиши тўғрисида чиқишлар қилдилар. Юртимизда мавжуд сиёсий партиялар раҳбарлари ва вакиллари эса сайловларда иштирок этишга, уни уюшқоқлик билан ўтказишга оид мулоҳазаларини билдирдилар.

Эътиборли жиҳати — анжуман ишида журналистлар ҳам фаол қатнашдилар. Ўзларини қизиқтирган масалалар, сайловолди ташвиқоти ва сайловлар куни кўзда тутилиши мумкин бўлган муаммолар ҳақидаги фикр-хулосаларини ўртага ташладилар.

Семинар-тренинг қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***28 июнь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан Чехия Республикаси саноат ва савдо вазири Милан Урбан ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Чехия савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.***

Шу куни Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Чехия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлди.

Уни Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи ўринбосари Насриддин Нажимов ҳамда Чехия саноат ва савдо вазири ўринбосари Мартин Пецин бошқарди.

Иштирокчилар мамлакатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва сармоявий салоҳияти, ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ахборот алмашдилар. Икки томонлама манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик доирасида эришилган натижалар икки томонни ҳам қониқтирмаслиги қайд этилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан сал ошди. Ўзбекистонда чехиялик ишбилармонлар иштирокида тузилган 28 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ҳолбуки, ҳамкорлик муносабатларини янада тараққий эттириш учун томонларнинг салоҳият ва имкониятлари етарли. Фойдаланилмаётган захиралар ўзаро савдо кўламини оширишда, миллий ва халқаро дастурлар доирасида сармоявий лойиҳаларни биргаликда ҳаётга жорий қилишда муҳим омил бўлиши тайин.

Мажлис иштирокчилари иқтисодий муносабатларимиз натижаларига танқидий баҳо бериб, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдилар. Таъкидландики, қўшма корхоналар ташкил этиш, машинасозлик, кимё, нефть-газ саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, транспорт тизимини такомиллаштиришга оид соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш катта самаралар беради.

Мажлисда ўзаро молиявий, сармоявий, илмий-техникавий ҳамкорликни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг бевосита алоқаларини йўлга қўйиш, биргаликда бизнес-анжуманлар ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Чехиянинг МДҲ мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик бўйича Савдо-саноат палатаси, шунингдек, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси билан Чехиянинг экспорт кафолати ва суғуртаси бўйича "EGAP" корпорацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

**(ЎзА).**

Хабарлар оқимидан

## *Минтақавий семинар*

Бўстон шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти донни қайта ишлаш корхоналари раҳбарларининг ҳудудий семинари бўлиб ўтди. Унда "Ўздонмаҳсулот" компанияси раиси И. Нажмиддинов ғаллакорлар билан донни қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги тўлов муносабатларини янада такомиллаштириш юзасидан маъруза қилди.

Минтақавий семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари М. Ерниязов иштирок этди.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## *«Оғусиз дунё сари»*

Андижон вилояти ИИБ ташаббуси билан "Оғусиз дунё сари" кўрик-танлови эълон қилинди. Анъанавий тусга кирган ушбу танловда мактаб ўқувчиларидан тортиб маҳалла аҳолисигача иштирок этишади.

Куни кеча вилоятнинг "Наврўз" стадионида ўтказилган театрлаштирилган шоу-дастур ҳам гиёҳвандликка қарши курашиш мавзуси доирасида бўлиб ўтди.

Энди гиёҳвандлик ва уни олдини олиш мавзуида кўплаб мақолалар, кўрсатув ва турли рисолалар чоп этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари борасида кинофильмлар яратиш режалаштирилган.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Сўм конвертацияси:*

# КИМЛАРГА НИМАЛАРИ ЁҚМАЯПТИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Булардан ташқари, бундай фикрга бораётган пайтингизда дунёдаги ҳар бир мамлакат Марказий банкининг энг асосий вазифаси ўз мамлакати миллий пул бирлиги барқарорлигини таъминлашдан иборат эканлиги ҳам эсингиздан чиқмасин. АҚШ долларининг алмашув курси белгиланаётган пайтда Федераль Резерв Тизими оддий томошабин бўлиб тургани йўқку! Худди шунингдек, инглиз фунт стерлингининг тақдири белгиланаётганда Англия банки ҳам қўлини қовуштириб ўтирмаса керак. Евронинг барқарорлигини таъминлаб туриш, унинг инқирозга юз тутишига йўл қўймаслик мақсадида Европа Марказий банки нима ишларни қилмаяпти?

Сиз хоҳлаганингиздек, сўмнинг алмашув курси талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда бозор қиймати бўйича аниқлансинми? Кечирасиз, бу масалага нисбатан фикр билдираётган пайтингизда қайси асрда яшаётганлигингиз эсингиздан чиқмасин. Бозор муносабатларининг асосида фақат талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат ётади, деган ақида бугунги кунга унчаям тўғри келмайди. Бу, айниқса, мамлакат пул бирлигининг алмашув қийматини аниқлашдек нозик масалада алоҳида долзарблик касб этади. Агар бундан 40-50 йил бурунгидек, бугун ҳам валютанинг алмашув қиймати фақат талаб ва таклифга қараб белгиланиши керак, деб ўйласангиз, чучварани хом санабсиз. Чунки бугун валютанинг алмашув қийматига фақатгина мамлакатлар Марказий банкларининг аралашуви эмас, ҳатто у ёки бу мамлакат молия вазирининг қаттиқроқ йўталганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатаяпти. Ёки нефть корчалонларининг субъектив равишдаги хатти-ҳаракатлари дунё бозоридаги асосий валюталарнинг алмашув курсига қандай таъсир кўрсатаётганлигидан бехабармисиз? Дунёдаги воқелик шундай бўлиб турган бир пайтда сўмимизнинг барқарорлиги учун яккаю ягона масъул бўлган Ўзбекистоннинг Марказий банки қўлини қовуштириб, томошабин бўлиб туриши керакми?

Ўзбек сўмининг конвертацияланиши натижасида унинг қадрсизланиш суръати ҳам сизларни қониқтирмабди. Қаранг, нима деб ёзибсиз: «...девальвация сума все же происходит, но очень низкими темпами». Сизнингча, конвертацияланиш натижасида ўзбек сўмининг бошқа валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръати қанча юқори бўлса, шунча яхши эканда-а?

Республикамиз фуқароси томонидан доллар сотилаётган пайтда унинг мутлақ эркин эканлиги, ундан ҳеч қандай ҳужжатнинг талаб этилмаётганлиги ва аксинча, хорижий мамлакатларнинг валюталари сотиб олиш чоғида паспортнинг тақдим этилиши ва нусхасининг топширилиши талаб қилинганлиги, паспорти бўлмаган ва балоғат ёшига етмаганларга бир доллар ҳам сотилмаётганлиги сизларнинг таъбингизни тирриқ қилибди.

«Биродарлар», сизларни ҳақиқий биродар ўрнида кўришга ҳар қанчалик ҳаракат қилсам-да, «Юқоридаги тартибнинг ўрнатилиши нима учун сизнинг таъбингизни тирриқ қилиши керак?», деган саволга жавоб тополмаяпман. Қўлида валютаси бўлган юртдошим менинг олдимда турган бўлиб, мен унинг валютасига харидор бўлсам-да, унга «Паспортингизни кўрсатиб, унинг нусхасини менга топширсангиз, валютангизни сотиб олмоқчиман» деб мурожаат қилсам, қандай бўлар экан?

Бундай пайтда «Мен банкдан валюта сотиб олмоқчи бўлсам, паспортимни тақдим этиш ва унинг нусхасини топшириш талаб қилинаяпти-ку!» маъносида менга эътироз билдиришингиз ҳам ўзининг маъносига эга эмас. Наҳотки, валютасини сотаётган фуқаро билан банк ўртасидаги фарқни кўриш сизнинг қўлингиздан келмаса?

Бундан ташқари, нима учун паспортига эга бўлмаган шахсга валюта сотилиши керак? Ўзлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган шахс ким ўзи? Ўғрими? Қаллобми? Жиноятчими? Террорист бўлса-чи? Ёки масаланинг бу томонларини ҳисобга олмаймизми? Ишқилиб, нима қилиб бўлса ҳам, кимга бўлса ҳам, валютани сотсак бўлдими? Ахир, не-не меҳнатлар эвазига қўлга киритилган мамлакат валюта захиралари кўчада қолгани йўқ-ку! Қолаверса, барибир, Ўзбекистон халқининг пешона тери эвазига яратилган валюта захиралари шу халққа хизмат қилмасдан, яна кимга хизмат қилиши керак?

«Биродари азизлар», сизнинг фикрингизча, «хорижий валютани сотиб олишда паспортнинг тақдим этилиши ва унинг нусхасининг топширилиши валютани сотиб олувчи томонга солиқ инспекторини йўналтиришга хизмат қилар» экан. Нега қўрқиб қолдингиз? Хорижий валютани сотиб олишга мўлжалланган маблағингиз қонуний тарзда ва ҳалол йўл билан топилган бўлса, ҳузурингизга битта эмас, ўнта солиқ инспектори келмайдими? Ахир, бизнинг доно халқимизда «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич!» деб бекорга айтилмаган-ку!

Балоғат ёшига етмаганларга хорижий валюталарнинг сотилмаётганлигига ҳам муносабатимиз юқоридагидек. Ахир, хорижий валютани сотиб олиш қобилиятига эга бўлган, аммо балоғат ёшига етмаган «бойвачча»нинг кимлигини кўз олдингизга бир келтириб кўринг, қандай хулосага келар экансиз? Наҳотки, шу онда сизда «Хорижий валютани сотиб олишга қурби етаётган, балоғат ёшига етмаган бу «бойвачча»нинг даромад манбаи қаерда экан?» деган савол туғилмаса? Қолаверса, қўлида дастлаб хорижий валютаси бўлган, балоғат ёшига етмаган «бойвачча»нинг, кўп ҳолларда, қандай «каромат» кўрсатиши мумкин эканлигини олдиндан идрок этмаслигимиз ва ўз вақтида тегишли тўсиқни қўймаслигимиз керакми?

Валюталарни алмаштириш операцияларининг банклар зиммасига юкланганлиги сизга мақбул бўлмабди. Бу нарса «қора бозор» ходимларини хафа қилаяпти, дебсиз. Мана сизнинг фикрингиз: «Заниматься обменным бизнесом... позволено только банкам. Это очень огорчает работников «черного рынка». Эссиз, «қора бозор»да жонини сира койитмасдан осонгина бировларнинг нонини туя қиладиган, бор-йўғи, бир неча юз киши тўғрисида қайғурмасдан, кўпчиликни ташкил этувчи содда, оддий, меҳнаткаш миллионлаб ўзбек халқи тўғрисида ўйласангиз бўларди.

Ўзбекистон аҳолиси учун ижтимоий аҳамият касб этмайдиган товарларни, яъни қимматбаҳо автомобиллар, спиртли ичимликлар, сигареталар, зеби-зийнат буюмлари (тақинчоқлар), ит ва мушукларнинг овқатлари ҳамда шуларга ўхшаш яна бир неча маҳсулотларни импорт қилишда конвертация операцияларининг чекланганлиги ҳам сизни қониқтирмабди.

Шу муносабат билан энди ўзингиз ҳақиқий дўст ва ватанпарвар сифатида айтинг: Ўзбекистонда юқорида санаб ўтилган маҳсулотларга талаб бор экан деб, уларни импорт қилишга валюта захираларимизни сарфлайверишимиз керакми? Бундай тартибда иш юритсак, бизнинг валюта захираларимиз Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожига ва ўзбекистонликларнинг манфаатларига хизмат қилмасдан, балки юқорида номлари келтирилган маҳсулотларни экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишига, ўша мамлакатларда қўшимча иш ўринларининг яратилишига ва ўша мамлакатлар аҳолисининг манфаатларига хизмат қилиши аниқ-ку!

Мустақиллигимиз рамзи бўлган сўмимизнинг конвертация қилинаётганлиги муносабати билан сиздек «дўстларимиз»дан тушаётган «тайёр рецептлар», «тавсияномалар», «фойдали маслаҳатлар», «ташвишномалар», «қайғуришлар» ва «яхши ниятда билдирилаётган кўрсатмалар»ни юқоридагидек тарзда таҳлил қилиш кайфияти бизда жуда юқори бўлишига қарамасдан, шу ерда вақтинча бўлса-да, нуқта қўйишга қарор қилдик. Фақат эсингизда турсин: мустақилликка ўзимиз эришдик, сўмимизни ўзимиз жорий қилдик, унинг конвертация қилинишига тегишли шароитларни ўзимиз яратдик, бу масалани қай тартибда ҳал қилиш кераклигига ҳам ўз ақлимиз етади. Етмаса, кимлардан сўраш кераклигини ҳам ўзимиз биламиз. Унгача бу борадаги «яхши ният»ларингиз ўзингизга насиб этсин.

**Тоҳир МАЛИКОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# ИСЛОМ НИҚОБИДАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Агар немис халқи ўзининг яшаб қолиши учун олишувга тайёр бўлмаса, нима ҳам қилардик, бу ҳолда у умуман йўқ бўлиб кетишга маҳкумдир!" (140-бет).

Муҳтарам ўқувчиларимизда "Хўш, ўтмишга оид бу гапларнинг бугунги суҳбатимизга қандай алоқаси бор?" деган савол туғилиши табиий, албатта. Жавоб берамиз: тўғридан-тўғри алоқаси бор!

Гап шундаки, "Ҳизбут-таҳрир ал исломия" фирқасининг ғоявий отаси бўлмиш Ҳасан Абдураҳмон ал Баннонинг "Мусулмон биродарлари" ҳамда "Маср ал фатат" сингари диний жангари ташкилотларни ўша йиллари айнан немис фашизми иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Агар испан миллатчи-генерали "Яшасин ўлим!" дея ёшлар олдида қичқирган бўлса, Баннонинг мусулмон ёшларини оёққа қалқитишга йўналтирилган бир китоби "Фаннул-моўт", яъни "Ўлимни қабул қилиш санъати" деб номланган!

Тарихий тажриба шуни исботламоқдаки, ҳар қандай террористик гуруҳ оммани чалғитиш ниятида ўзига оҳорли бирор ниқоб танлайди. Фашизм дастлабки қадамларини айнан террористик хуружлардан бошлаганини яхши биламиз. У "мингйиллик империяни қайта тиклаш", "немис халқини озод қилиш" сингари жозибадор чақириқларни юзига парда қилгани ҳам маълум.

"Ҳизбут-таҳрир"нинг дунёга келиш, унинг йўргакланиш жараёни ҳам бу қоидадан мустасно эмас, албатта.

Эътибор берайлик: муқаддас Ислом дини VII асрда вужудга келди, кейин асрлар давомида миллиардлаб инсонларни эзгулик, яхшилик, ўзаро ҳамжиҳатликка чорлаб, дунё дини сифатида оламга ёйилди. Арабистон ярим оролида вужудга келган эзгу тариқат маърифатли тарғибот орқали, ибрат орқали юксалди, дунёнинг энг олис нуқталарига-да бориб етди. Сабаб — Ислом дини инсонпарварликка йўғрилгани, энг олий ва абадий қадриятларни олға сургани бўлди. Шу туфайли ҳам унинг ёйилишига қандайдир жангари ташкилот ва гуруҳлар, партия ва ҳизблар талаб қилинмади.

Бу орада дунёни ўзгартириш даъвоси билан чиққан қанчадан-қанча фирқа, ҳаракат ва ташкилотлар аввал беозор учқун, кейин олов, охир-оқибат эса даҳшатли аланга тусини олиб, одамзод бошига мислсиз кулфатлар ёғдирди. Буни қарангки, улар ҳар қанча маҳобат касб этмасин, вақти келиб, айни одамзоднинг ўзи томонидан гўрга тиқилди. Бугунги мақоладан кўзлаган мақсад ҳам ана шундай хавфли ҳаракатлардан бирининг Ислом динига мутлақо алоқаси йўқлиги, нафақат алоқаси йўқ, балки у муқаддас диннинг зидди бўлмиш икки манфур идеология — фашизм ва марксизмдан бевосита озиқ олганини фактлар ёрдамида кўрсатиб беришдир.

Агар XX асрнинг 20-30 йилларини эсласак, бир томондан, "бутун дунё пролетарларини бирлаштириб", уларни буржуазияга қарши қуролли қўзғолонлар кўтаришга чақирган марксизм-ленинизм шиори авж олгани, иккинчи томондан, "олий ирқ манфаатларини ҳимоя этиш" даъвоси билан фашистик идеология майдонга чиққанини кўрамиз. "Ҳамак ҳамакни кўриб ранг олади" деганларидек, шу паллада Шарқдаги айрим мамлакатларда ҳам "оми оммани ўз ортидан эргаштириш"га иштиёқманд "даҳолар" пайдо бўлди. Шулардан бири — мисрлик Ҳасан Абдураҳмон ал Банно марксистлар шиорини ўзига мослаб ўзгартириб олди: "Бутун дунё мусулмонлари, бирлашингиз!"

Устозининг бу ҳаракатидан руҳланган, "Мусулмон биродарлар"ининг Суриядаги етакчиси Мустафо ас Сибай эса "янги ғоя ишлаб чиқишда" янада "илгари" кетди — у "исломий социализм" деган гапни ўйлаб топди. Унинг "кашфиёти" шундай шаккокона қарашга асосланар эдики, гўё социалистлар ўз ғояларини "Қуръони карим"дан ўзлаштирган эмишлар. Бу "аллома" айни қарашни илгари сурар экан, коммунистларнинг инсониятга қарши йўналтирилган боягидек бузғунчи ғоялари билан ислом асоси бўлмиш муқаддас китоб ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқлигини, бундай фикрни айтиш Аллоҳ каломига зид, динига туҳмат эканини ҳам ўйлаб ўтирмади. Чунки ният — нима қилиб бўлмасин, ҳокимиятга эга бўлиш иштиёқи ҳар қандай мантиқ ва ҳақиқатни четга суриб ташлашни тақозо этарди.

Кўряпмизки, Баннонинг "Мусулмон биродарлар"и ҳам, унинг 50-йиллардаги давомчиси бўлмиш "Ҳизбут-таҳрир"нинг ҳам асосида инсониятга қарши қаратилган ғоялар қурамаси ётибди. Фашистик ва коммунистик ғоялар аралашмасидан урчиган бу сиёсий ҳаракат ҳозирга қадар илгари сураётган барча қарашларида ўша икки машъум идеологиядан узоқ кетгани йўқ. Фақат социализм қизил матони, фашизм қора матони юзига ниқоб қилган бўлса, улар аралашмасидан пайдо бўлган тубан ғоя — "чақалоқ"ни, афсуски, исломдек покиза дин билан йўргакламоқчи бўлдилар.

Шу ўринда Пайғамбаримиз (С.А.В.)-нинг қуйидаги Ҳадислари ёдга тушади: "Киши ўз дўстининг дину диёнатига мослашиб кетади. Бинобарин, ким билан дўстлашаётганига қараб иш тутсин".

Мазкур даъвомиз асоссиз бўлмаслиги учун яна айрим солиштиришлар қилайлик.

Владимир Ленин "бахтли келажакка олиб бориш"ни ваъда қилган меҳнаткашлар оммасига қандай муносабатда бўлганини эслайлик. У одамларни ўзи бунёд қилмоқчи бўлган улкан давлат машинасининг қисмлари — "винтчаси ва парраги" деб билар, бу машинани яратиш йўлида ҳар қанча қурбон талаб қилинса, ҳеч иккиланмай рози бўлиш фикрини такрорлашдан чарчамасди. Энди "Ҳизбут-таҳрирнинг ёйилиш нуқтаси" деган китобдан ўқиймиз:

"Уммат унга ҳукмронлик қилаётган фикрлардан ташкил топган хомашёдир" (7-бет).

Демак, инсонга, мусулмонларга гўё бир хомашё дея қарайдиган ҳизбчилар ундан ўз дидларига мос қўғирчоқни ясашга ҳам ўзини ҳақли санайдилар. Хўш, бу "хомашё"ни "тайёр маҳсулот"га айлантириш учун улар не йўлларни — усулларни қўлламоқчилар?

Мана, ўша усуллардан бири:

"Ислом ва сиёсат ҳақидаги ҳизб тушунчаларини мустаҳкам ўрнатишга катта эътибор бериш — асосий ғоядир. Мана шунинг учун жамиятдаги етакчи фикрлар ҳукмронлигини тортиб олиш, сўнг уларни таг-томиридан суғуриб, уларнинг ўрнига исломий фикрларни ўрнаштириш..." (Ўша китоб, 11-бет).

Келинг, бу гапдаги икки ўринга алоҳида тўхталамиз.

Хўш, масалан, бизнинг жамиятимизда бугунги кундаги етакчи фикрлар қайсилар? Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги! Инсонга меҳр-шафқат кўрсатиш, етимлар бошини силаш, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш! Хўш, бу фикр — ғоялар, илгари сурилаётган қадриятларнинг қайси бири исломий қарашларга ёт?

Энди ҳизбчилар уларни "таг-томиридан суғуриб", ўрнига тиқиштирмоқчи бўлаётган "исломий фикрлар" билан танишайлик:

"Инсонлар табиатан урушни ёмон кўрсалар ҳам ва ўзаро муаммоларни тинчлик воситалари билан ечишга уринишса ҳам, **ўзлари ёмон кўрган нарсага мажбур қилинишлари аниқдир.** Шунинг учун ҳам инсонлар бу урушлардан узоқлашишга қанчалар ҳаракат қилишса ҳам улар ўртасида **уруш бўлиши муқаррар. Улар урушни тўхтатишга қодир эмаслар...**

Миллатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамда давлатлараро тинчлик, гарчи унга интилиш чиройли иш бўлса ҳам, лекин уни доимий шаклда рўёбга чиқаришнинг имкони йўқ, балки уруш бўлиши муқаррар. Шунинг учун бирор **инсоннинг урушларни ман қилиш ҳақида фикрлаши хатодир".**

Энди мулоҳаза қилайлик:

"Ҳизбут-таҳрир"нинг асосчиси бўлмиш фаластинлик Тақийюддин Набҳоний исмли "валломат" илгари сурган бу ғоялар қайси бир эътиқодга кўпроқ яқин?

Энг сўнгги Пайғамбари (С.А.В.): "Икки мусулмон қўлларида қиличлари билан тўқнашсалар (урушсалар), бири иккинчисини ўлдирса, қотил ҳам мақтул ҳам дўзахга маҳкумдир" ёки "Умматларим ҳеч қачон залолатли ишга бирлашмайдилар. Қачонки одамлар ўртасида ихтилофни сезсаларинг, кўпчилик томонга ўтиб олинглар" дея таълим берадиган Ислом динигами ёки "Руслар ва чехлар тақдири нима бўлади — менга мутлақо қизиғи йўқ. Бошқа халқларнинг қонидаги барча яхши сифатларни, керак бўлса, уларнинг болаларини тортиб олиб, ўз муҳитимизда тарбия қилиш орқали, олиб қўямиз — уларни ўзлигидан маҳрум қиламиз. Бошқа миллатлар фаровон ҳаёт кечиряптими ёки очликдан ўляптими — бу масала мени, бизга қанча миқдорда қуллар кераклиги нуқтаи назаридангина қизиқтиради холос, бошқаси ўтаверсин..." (Г.Гиммлер) дея инсон болаларини ҳайвон ўрнида кўрган фашистик идеологиягами?!

Инсониятга "коммунизм жаннати"-ни ваъда қилган, лекин бунинг учун ушбу "кичкинагина" шартни унинг олдига қўйган К.Маркснинг қуйидаги чақириғи билан Т.Набҳонийнинг урушга даъвати орасида қанақа фарқ бор?

"Биз ишчиларга шундай деймиз: Сиз фақат мавжуд муносабатларни ўзгартириш учунгина эмас, балки ўзингиз ҳам ўзгаришингиз ва сиёсий ҳукмронликка ярокли бўлишингиз учун 15, 20, 50 йиллаб фуқаролар урушини ва халқаро жангларни бошдан кечиришингиз керак" ("Пролетариат доҳийси"нинг немис ишчиларига мактубидан).

Чаламулла толиблар асоратида қолган Афғонистон мисолида ҳозирча 20 йил фуқаролар урушини бошдан кечириб, абгор ҳолга келган мамлакатни кўриб турибмиз-ку. Бундай урушга марксистлар даъват қилди нима-ю, ҳизбчилар (ваҳҳобию толиблар) етаклаб кирди нима?

Шу ўринда ягона халқ ўртасида уруш оловини ёқмоқни ўйлаган бу даъватчиларнинг кураш стратегиясидаги яна бир қизиқ ўхшашликка ҳам эътибор берайлик. Маркс немис ишчиларига йўлланган бояги хатни қўли қалтирамай ёзар экан, ўзи Европанинг энг қиммат санаторийларида баданига тез-тез тошиб турадиган чипқон касаллигини даволатиш билан овора эди. "Ҳизбут-таҳрирнинг ёйилиш нуқтаси"ни белгилаб бермоқчи бўлган кимсалар эса ўзлари даъват этаётган урушни қуйидагича тасаввур қиладилар:

"Ҳизб мамлакат аҳолиси билан тўқнашишдан ўзини четга олмоғи ва мустамлакачиликни ёлғиз ҳизб билан эмас, балки бутун уммат билан тўқнашувини юзага келтирмоғи лозим... Бу билан уммат кучли бўрон каби ақл-идрок ва куч-қувват билан битта сафда юради ва мустамлакачиликнинг тўла таъсири йўқ бўлиши учун у билан нафақат уммат ўртасида, балки бутун мамлакат аҳолиси ўртасида ҳақиқий жанг бўлади" ("Ҳизбут-таҳрирнинг ёйилиш нуқтаси", 38-бет).

"Ота бир, она бошқа" бу "доҳийлар"нинг маккорлигини сезаяпсизми? Ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаётган, фаровон келажак ҳаётни қуриш йўлида тинч бунёдкорлик меҳнати билан банд мусулмонларга булар нимани таклиф этмоқдалар!? Гувоҳи бўлганимиздек, улар ўз ниятларига етишмоқ учун фашистик ва коммунистикдек ҳар қандай чиркин ғоя ва усулларга сиғинишдан, уларни ўзлаштириш ва амалда қўллашдан жирканмайдилар. Жирканиш қайда, ўша Т.Набҳоний ўзи сиғинган бу таълимотлар яратувчиларининг, хусусан, Лениннинг асарларини биринчилардан бўлиб араб тилига таржима қилганди!

Ленин таржимонининг ўз устозига кўрсатган "садоқати" бу билангина чекланмайди. Шўролар даврида Лениннинг "Агар социализм ишчини ўз миллатидан ажратиб олиб, уни тўла ўз синфига оғдира олса, у ғалаба қилди, деяверинг... Агарда ишчини миллат деган организм билан боғловчи, қилдек бўлса-да, торлар сақланиб қолар экан, халқаро социализм ғалаба қила олмайди", деган машъум васияти бор эди. Ана шу "васият"га кўра, ҳар бир кишини ўз миллатидан ажратиб олиш — халқаро социализм ғалабасининг ҳаёт-мамот масаласига айлантирилди. Миллий қадриятларга қарши уруш очилди. Кеча коммунистик мафкура миллий ўзликни англатувчи ҳамма нарсага қарши курашган бўлса, бугун бу ишни ҳизбчилар давом эттирмоқдалар. Т.Набҳонийнинг "Ислом низоми" китобида ватанпарварлик, миллатпарварлик сингари туйғулар "фикр саёзлашиб борган сари одамлар ўртасида пайдо бўладиган тубан алоқалар", "фикран қолоқ инсонлар ўртасидаги нотўғри робита" деб баҳоланади (25-26-бетлар).

Кўряпмизки, миллий бирлик, қадрият ва анъаналар илгари коммунистларнинг ўтакасини ёрган бўлса, ҳозир диний экстремистларнинг ёвуз ниятларига "тўғри келмаяпти". Афсуски, айрим Ғарб мамлакатларидаги "инсон ҳуқуқларининг ҳимоячилари" масаланинг бу томонига аҳамият бериш ўрнига ўзбекона қадриятларимизни камситишга, бу орқали эса, ўзлари билиб-билмай, экстремистлар тегирмонига сув қуйишга бориб етмоқдалар.

Ҳолбуки, ўзлигига таянган миллатлар жаҳоннинг энг пешқадам давлатларига асос солдилар. Улар ҳам биз-

## Ўзбек тракторлари Украинада

Киев вилоятининг Бородянка шаҳарчасида жойлашган “Борэкс” акционерлик жамиятида Украина ва Ўзбекистоннинг икки йирик машинасозлик корхоналари ҳамкорлигини кенгайтириш йўлида навбатдаги қадам қўйилди. Бу ерда Тошкент трактор заводидан келтирилган бутловчи қисмлар асосида дастлабки тўртта трактор йиғилди.

— Биринчи “қалдирғоч”лар Украина бозорида дарҳол ўз эгаларини топди, — дейди “Борэкс” концерни президенти В.Пилипенко. — Июнь ойининг охиригача заводда 11 та ана шундай техника воситаси йиғилади. Уларнинг ҳаммасига ҳозирнинг ўзидаёқ харидор тайёр. Бу эса янги техникага бўлган катта талабдан далолат беради.

“Борэкс” раҳбарияти бир ойда йиғиладиган тракторлар кўрсаткичини элликтагача етказиш ниятида. Бородянкадан келтириладиган бутловчи қисмлар асосида Тошкентда ғилдиракли экскаваторлар йиғишни йўлга қўйиш ҳамкорликнинг навбатдаги босқичини бошлаб беради. Экспертлар ушбу машиналарга Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистонда талаб катта бўлишини башорат қилишмоқда.

**“Жаҳон” АА.**

## Саммит кун тартибида Ироқ масаласи

Бугун Истамбулда НАТОнинг икки кунлик саммити ўз ишини бошлайди. Унда Ироқ масаласи муҳокамаларнинг бош мавзусига айланиши кутилаяпти. Ўтган жума куни Ироқ муваққат бош вазири Айяд Алави НАТОга мурожаат қилиб, бошқарув тизими унинг ҳукумати қўлига ўтгандан сўнг мамлакат мудофаа қудратини шакллантиришда ёрдам беришларини сўраган. Ўша куни НАТО дипломатлари Брюсселда ушбу масалани муҳокама қилди ва бир тўхтамга келди. Ҳозирча муҳокама тафсилотлари тўла маълум эмас. Бироқ хабарларга қараганда, саммитда Ироқ вақтинчалик бош вазири илтимосини қондиришга келишилган. Яъни ироқлик ҳарбийлар, чегарачилар ва полициячилар альянс инструкторлари томонидан ўқитиладиган бўлган.

АҚШ Ироқда НАТОнинг таъсир доираси ортишини истамоқда. Бироқ альянсда алоҳида мавқега эга бўлган Франция ва Германия НАТО Ироқда фақат мувофиқлаштирувчи куч сифатида қолиши тарафдори. Америкалик кузатувчиларнинг фикрича, саммитда Ироқ мавзусининг муҳокама қилиниши АҚШ президенти Жорж Бушнинг ғалабаси бўлади. Сабаби, мана бир неча ойдирки, Буш ўз ҳарбийларини Ироққа жўнатишларини сўраб НАТОга мурожаат қилиб келмоқда. Гарчи НАТОга аъзо давлатларнинг ҳарбийлари бу мамлакатга алоҳида-алоҳида киритилган бўлса-да, альянс шу пайтгача Оқ уй раҳбарининг таклифини рад этиб келаётган эди.

НАТО Бош котиби Яап де Хооп Шеффернинг таъкидлашича, якшанба куни ҳарбий инструкторлар гуруҳи ироқлик маҳаллий аскарлар ва полиция ходимлари билан ўқув машғулотларини бошлашади. Бироқ бу ҳарбий ўқув амалиётлари Ироқдан ташқарида олиб борилади.

Айни пайтда Алави Марокко, Баҳрайн ва Уммонга ҳам мурожаат қилиб, Ироқда фаолият юритаётган халқаро коалицион кучлар таркибига ўз ҳарбийларини жўнатишларини сўраган. Бош вазир иттифоқчи кучлар таркибида мусулмон давлатлар ҳарбийларининг бўлиши мамлакатда барқарорлик ўрнатилишига катта ёрдам беришидан умид қилмоқда.



НАТО саммитида халқаро терроризмга қарши кураш масаласи ҳам муҳокама қилиниши кутилаяпти. Шу муносабат билан, Бош котиб Шеффер “Терроризмга қарши кураш Нью-Йоркда бўладими, Ўзбекистондами ёки Яманда бўладими, ҳамма жойда авж олдирилиши керак”, дея халқаро ҳамжамиятга мурожаат билан чиқди.

**Юнус БЎРОНОВ тайёрлади.**

## Яқин Шарқда янги телеканал

***Би-Би-Си корпорацияси раҳбарияти Ўрта ва Яқин Шарқда Қатарнинг “Ал-Жазира” телеканали билан рақобатлашадиган янги телеканал очиш лойиҳасини ишлаб чиққанлигини маълум қилди. Лойиҳада янгиликлар, мунозарали кўрсатувлар ва ҳужжатли фильмлар эфир вақтининг асосий қисмини эгаллаши кўзда тутилган.***

***Financial Times газетаси мазкур лойиҳа Бирлашган Қироллик Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан амалга оширилаётганлиги тўғрисида хабар тарқатди. Маълум қилинишича, ушбу телеканал Британиянинг ташқи сиёсатини тарғиб қилади. Тахминларга қараганда, телеканалнинг бир йиллик харажатлари 50 миллион долларни ташкил этади.***

**Муқаддам МИРҲОЖАЕВА.**

«G`ALLA-ALTEG» ОАЖ

2004 йил 2 июль куни соат 14.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида маълум қилади. Йиғилиш ўтказиш жойи:

**Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уй.**

Кун тартиби:

1. «G`alla-Alteg» ОАЖ бошқарув раиси ҳақида.
2. Кузатув кенгаши таркибига қўшимча сайловлар ҳақида.

*Кузатув кенгаши.*

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Тадич президент бўлади

***Сербияда бўлиб ўтган президент сайловининг иккинчи босқичи дастлабки натижаларига қараганда, Борис Тадич мамлакат раҳбари лавозимини эгаллайдиган бўлди. Демократлар партияси томонидан номзоди илгари сурилган Тадич 54 фоиз овоз жамғарди. Унинг рақиби Серб радикаль партияси номзоди Томислав Николични сайловчиларнинг 45 фоиз қўллаб-қувватлаган. Бу ҳали расмий маълумот эмас. Кузатувчиларнинг айтишича, сайловчиларнинг 50 фоизигина бу тадбирда иштирок этишган.***

### Ядро қуроли борми ёки йўқ?

***МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад Барадеи Исроилни агентлик билан Яқин Шарқда оммавий қирғин қуроллари тарқалиб кетмаслиги борасида музокаралар олиб боришга чақирди. Тахмин қилинишича, Исроилда ядро қуроли мавжуд. Бироқ расмий Тель-Авив бу маълумотни тасдиқламагани баробарида, инкор ҳам этмаяпти.***

### Америка аскари гаровда

***АҚШ ҳарбийларининг маълум қилишича, Ироқда бир Америка аскари бедарак йўқолди. Айни пайтда “Ал-Жазира” телеканали денгиз пиёда қўшинлари таркибида хизмат қиладиган бу аскар жангарилар томонидан гаровга олинганлигини ифодаловчи видеотасвирни эфирга узатди.***



***Маълумотларга қараганда, гаровга олинган америкалик ҳарбийнинг исми Васеф Али Хансун. У 21 июнь куни бедарак йўқолганди.***

### Имтиёзлар сақлаб қолинади

***Россия президенти Владимир Путин ҳукуматнинг ҳарбийларга берилган асосий имтиёзлар тизимини ўзгартириш мақсади йўқлигини маълум қилди. У ҳарбийларнинг сиҳатгоҳларда дам олиши, шаҳар транспортларида бепул юриши ва ҳарбийлик нафақаси сақланиб қолинишини алоҳида таъкидлади. Ҳукумат ҳарбий хизматчиларга яхши шароит яратиш учун ҳаракат қилмоқда, деб қайд этди президент ўз сўзида.***

### Қаллобликда айбланмоқда

***Прокурор тадбиркор Паоло Берлусконини беш йилга озодликдан маҳрум қилишни талаб қилмоқда. У Италия Бош вазири Сильвио Берлусконининг акасидир. Паоло молиявий қаллобликда ва маъмурий ҳуқуқбузарликда айбланмоқда.***

***Кейинги босқич суд жараёнлари кеча Милан шаҳар судида бошланди.***

### Ўн миллион доллар ажратди

***Австралия Россиянинг сувости ядровий кемаларини чиқиндига чиқариш учун ўн миллион долллар ажратди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Александр Доунер журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Австралия Ер шари аҳолиси ҳаётига катта таҳдид туғдирувчи оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетмаслигига қарши курашмоқда.***



***Ажратилган мазкур маблағнинг мақсадли сарфланиши катта саккизлик давлатлари томонидан назорат қилинади.***

«KOLPFARM» МЧЖ

фармацевтика саноати учун диаметри К-34 мм. ва К-20,3 мм. бўлган

алюминий қопқоқчаларни

(стерил ва физ. эритмалар, фармацевтик препаратлар учун) ишлаб чиқаради ва сотади. Қопқоқчалар мазкур маҳсулот тури ва меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган хомашёдан тайёрланган.

Товар сертификатланган — № SS UZ 01.129.17483.

**Мулоқот учун телефонлар: 103-41-04, 104-52-16.**

## Кутилмаган натижалар

Португалияда футбол бўйича “Қўҳна қитъа” чемпионатининг ярим финалчилари аниқланди. Финал ўйин иштирокчилари Португалия—Голландия ва Греция—Чехия терма жамоалари баҳсида аниқланади. Бу йилги чемпионат кутилмаган натижаларга бой бўлди. Чемпионат бошида энг топқир башоратчилар ҳам юқоридаги жамоалар Европанинг энг кучли тўртлигини ташкил этишини тахмин қилишмаганди. Мутахассисларнинг фикрича, қитъа чемпиони Португалия ёки Чехия бўлади. Аммо Голландияни ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Бундан ташқари, шунча шов-шувга сабабчи бўлган Греция яна битта шов-шувни келтириб чиқарса ҳеч ажабланмаймиз. Чунки Европада бугун кучсиз жамоа йўқ.

Чемпионат маррага яқинлашган сайин, трансфер бозорига ҳам айланмоқда. Хусусан, Англиянинг “Челси” клуби эгаси Роман Абрамович Англия терма жамоаси вакили Стивен Жеррарднинг жамоага ўтишини 50 миллион фунт стерлинг (90 миллон доллар) га баҳолади. Лекин Абрамович 24 ёшли ярим ҳимоячи учун “Челси”да тўп сураётган Дамьен Дафф ва Скот Паркерни алмаштириб, устига 20 миллион фунт беришини маълум қилган. Жеррард бу таклифга ижобий қарамоқда.



Ливерпулнинг “Эвертон” жамоаси ҳужумчиси Уэйн Руниннинг трансфери янги рекорд ўрнатиши мумкин. 18 ёшли футболчи Португалияда ўтказган тўрт ўйинда рақиблар дарвозасига 4 та гол киритиб, ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам “Эвертон” жамоаси раҳбарияти Руни 50 миллион фунт стерлингдан камга сотилмаслигини маълум қилди. Маълумотларга қараганда, ёш иқтидор эгаси учун шунча пул бериш ниятидаги клублар йўқ эмас.

Чемпионатда ўрнатилган рекордлар ҳақидаги гапларни давом эттирадиган бўлсак, мазкур турнир томошабинлар диққатини тортиши билан ҳам етакчилик қилаётир. Масалан, Италия-Болгария баҳсини 21,4 миллион италиялик, яъни мамлакат аҳолисининг 71,2 фоизи телевидение орқали кузатган. Бу кўрсаткич Евро — 2000 да Франция –Италия ўртасида кечган финал беллашувини кўрган томошабинлар сонидан ҳам кўп.

Германияликлар бу борада ҳам четда қолишмаяпти. Италия-Болгария, Швеция-Дания учрашувлари улар жамоаси учун аҳамият касб этмасада, бу ўйинларни аҳолининг 48 фоизи кузатган. Швеция-Дания ўйинини эса 49,5 фоиз голландиялик томоша қилган. Лекин бу ўйиннинг улар учун ҳеч ҳам аҳамияти йўқ эди.

Россияликлар ҳам чемпионат рекордлар китобига ўз улушини қўшди. Улар Европа чемпионатлари тарихида энг тез гол (Россия-Греция ўртасидаги учрашувнинг 63-сониясида Дмитрий Кириченко гол муаллифи бўлди) урди. Сариқ ва қизил карточка “соҳиб”лиги бўйича ҳам россияликлар етакчилик қилишмоқда.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

*Ҳурматли йўловчилар !*

**Тошкент — Шовот (Урганч) — Тошкент**

*йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.*

**Янги поездда купе ва СВ вагонлари бўлиб, улар кондиционерлар билан жиҳозланган. Поезд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, Амударё устидан қурилган янги кўприкдан ўтади ва йўловчиларнинг йўлда бўлган вақтини сезиларли қисқартиради ҳамда темир йўл чиптаси баҳосини камайтиради.**



**Тошкент – Шовот йўналиши бўйича йўл ҳақи баҳоси:**

- умумий вагонда — 4 671 сўм;
- плацкарт вагонида — 9 034 сўм;
- купе вагонида — 14 796 сўм;
- СВ вагонида — 29 671 сўм.

***Темир йўл чиптаси баҳоси 2004 йил 22 июнь ҳолатига кўра ҳисобланган. Валюталарнинг сўмга нисбатан курси ҳар ҳафтада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чипталар баҳоси ҳам ўзгаради.***

| Йўналиш жадвали | Жўнаб кетиш | Етиб бориш |
| --- | --- | --- |
| № 56 Тошкент — Шовот | душанба, 17.15 | сешанба, 13.20 |
| № 55 Шовот — Тошкент | сешанба, 14.25 | чоршанба, 10.25 |

*«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.*

# НЕОФАШИЗМ

дек ўз миллий ғурурларига таянган эдилар. Бунга мисол қилиб, АҚШ президентларидан бири Жеймс Монронинг: “Бизнинг энг катта бойлигимиз бу — миллий ғууримиздир. Шундай экан, келинг, ана шундай олий қадрият ила келажакка қарайлик”, деган даъватини эслаш кифоядир...

Ҳизбчиларнинг Қуръони каримнинг муқаддас оятлари ва Пайғамбаримиз (С.А.В.)нинг муборак ҳадисларини уялмай рўкач қилиб илгари сураётган ғоялари остида, мана, қандай ёвуз ниятлар яширин. Бу қонли ниятлар бояги кимсалар кўзини шу қадар кўр қилиб қўйганки, ҳатто Пайғамбаримиз ҳадисларини мутлақо тескари талқин қилишдан ҳам тап тортмайдилар.

Мана мисоли: “Ҳизбут-таҳрирнинг ўзгартиришдаги манҳажи” деб номланган китобдан ўқиймиз:

“Исом ал-Музанийдан ривоят қилинди, у айтди: Пайғамбар (Саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) ҳар бир сарийяни жўнатаётганларида айтар эдилар: “Масжидни кўрсаларинг ёки азоннинг овозини эшитсаларинг, бирор кишини ўлдирманглар”.

Энди Расуллуллоҳ (С.А.В.)нинг бу кўрсатмалари янги замон “ислом ҳимоячилари” томонидан қандай талқин қилинаётганига эътибор беринг:

“Азон ва масжид Ислом анъаналаридандир. Бу ҳадис бирор юртда мусулмонларнинг яшаётганлиги унга қарши курашиш ва қуролли жанглар олиб боришни ман қилмаслигини англатади” (9-бет).

Пайғамбарнингки сўзини, кўрсатмасини бузишдан тоймайдиган бу кимсалардан нимани кутиш мумкин ўзи?

Улар, балки, Расулуллоҳ (С.А.В.)нинг қуйидаги Ҳадисларига “амал қилаётгандирлар”:

“Аввалги пайғамбарларнинг сўзларидан одамларда қолгани: “Уялмасанг, хоҳлаган ишни қилавер...”

### Аёлга муносабат

...Шу йил 21 июнь куни Оқсаройда ўтказилган мажлисда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ўта жиддий масала сифатида кўтарилди. Йиғилишда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, улар ҳаётининг мазмун-моҳиятини бойитиш сингари амалий муаммолар борасида атрофлича мулоҳаза юритилди, бу масала давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этишига урғу берилди. Бунинг учун эса хотин-қизларнинг жамоатчилик ташкилотлари ташаббускорлигини ошириш, бу ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишларини рағбатлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти идораларидаги иштирокини кенгайтириш, ҳатто, хотин-қизларнинг халқаро майдонга чиқишларига эришиш талаб этилади.

Юртбошимиз хотин-қизлар қўмиталари ўз зиммаларидаги вазифаларни самарали адо этишлари учун бюрократик иш услубидан, одамлар билан муносабатда учрайдиган ҳар қандай расмиятчиликдан халос бўлиш лозимлигини, аёлларимизнинг кайфияти ва бугунги кундаги реал муаммолари ва манфаатларидан келиб чиқиб иш юритиш кераклигини таъкидлади.

Бу таклифлар замирида жамиятимиздаги аёл ва унинг тақдири билан боғлиқ муаммоларга мутлақо янгича меъёрлар асосида ёндошишга бўлган даъват ётганини сезиш қийин эмас. Агар эътибор берсак, 1995 йилдан бошлаб вилоят ва туман ҳокимликларида бевосита хотин-қизлар масалалари билан шуғулланадиган ҳоким муовинлари лавозими таъсис этилди. Айни тадбир билан хотин-қизлар муаммоларининг ечимини осонлаштириш, бу муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини янада кучайтириш мақсад қилинди. Бугун айни йўналишда кейинги йирик қадам ташланяпти. У ҳам бўлса, хотин-қизлар қўмитасидек жамоат ташкилотини фуқаролик жамиятининг институти сифатида аёллар ижтимоий манфаатини ифода этадиган фаол тизимга айлантириш ниятидир. Демак, хотин-қизлар масаласи билан бевосита шуғулланадиган раҳбар бир пайтнинг ўзида ҳам давлат вакили, ҳам жамоат етакчиси сифатида шунга яраша ҳуқуқ, эркинлик, имтиёз, моддий ва маънавий кўмакка, шу баробарида юксак масъулиятга ҳам эга бўлмоқда. Бу раҳбар давлат вакили қўлида бўлган имкониятдан жойларда аёллар муаммоларини ҳал қилишда кенг фойдаланиши, айни пайтда ўзига раҳбарлик ваколатини берган хотин-қизлар жамоатчилик ташкилотлари олдида ҳисоб бериши талаб этилади. Энг муҳими эса, Президент таъкидлаганидек, **“Хотин-қизлар қўмиталарида амалдорлар – бюрократлар эмас, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида ҳис қиладиган фаоллар иш олиб бориши шарт”.**

Юртимизда аёллар тақдирига қаратилаётган бу эътибор мени яна айрим мулоҳазаларга ундайди. Муқаддас ислом динимизда аёлга буюк миссия – инсон қавмини сақлаб қолиш ва бардавом қилиш вазифаси юклатилган. Ва инсоннинг сурати ва сийрати қандай бўлиши, унинг қалб ҳолати ҳам кўп жиҳатдан аёлга боғлиқдир. Чунки авлоднинг дунёга келтирилишининг ўзи ҳали унинг ҳар томонлама баркамол бўлишини кафолатламайди асло. Фарзандни фақат дунёга келтириш эмас, балки уни тарбиялаш ҳам ҳазрати Аёлнинг зиммасидадир. Биргина фарзанд не, балки мутафаккир О.Бальзак айтганидек, “миллатнинг келажаги ҳам оналарнинг қўлида”.

Миллат ва келажак мураббияси бўлгани туфайли ҳам Расуллуллоҳ (С.А.В.) жаннатни оналар оёғи остидан излашни амр этганлар. Яна бир Ҳадиси шарифларида умматларига қарата “Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига хуш муомалада бўладиганларингиздир”, дея марҳамат этадилар.

Ана энди бундан уч ой илгари Тошкент ва Бухорода содир этилган террористик ҳаракатларда бузғунчилар аёлларга раво кўрган "ролга" баҳо берайлик. Аллоҳ таоло яратувчилик табиатини инъом этган аёл жисмига ажал камарини боғлаб, ундан тирикликка қирон келтирувчи қурол сифатида фойдаланган кимсалар Яратганнинг олий ҳукмини осийларча бузмаяптилармими? Юқорида бу разил кимсаларнинг асл қиёфалари, ният-интилишлари нима эканига гувоҳ бўлдик - такрорга ҳожат йўқ. Фақат битта қўшимча: рақиби билан юзма-юз "тўқнашишдан ўзини четга олмоқ"ни кураш усули дея танлаган ҳизбчилар бу сафар ҳам бориб турган номарднинг ишини тутмоқдалар. Улар энди аёлнинг – ожизанинг ортига беркинишни ўзига эп кўраётгани қайси мардлик меъёрига тўғри келади?

Уларнинг-ку табиати маълум. Бироқ белига “шаҳидлик камари”ни боғлаб, гўёки муқаддас жиҳодга отланган аёл тақдири бизни кўпроқ ўйга толдиради. Боринг ана, бояги кучлар ҳокимиятни эгалладилар ҳам дейлик. Шунда бу аёлнинг, умуман, миллионлаб хотин-қизларнинг ҳоли не кечади?

Инсон ўз эрки учун жонини қурбон қилиши мумкин, фарзандининг омонлигини ўйлаб ширин жонидан кечиши мумкин. Лекин бу аёллар Яратганнинг ҳақи – жонига нимани кўзлаб қасд қилмоқдалар? Эртага қашшоқликда, мутеликда, ҳуқуқсизликда, хорлик ва зорликда яшаш учунми? Қора чиммат ёпинишу қора ҳужрага кириб ўтириш учунми бу ҳаракат?

Бизда инсонни азизу мукаррам қиладиган сифатлардан бири ахлоқ — мусулмон ахлоқи ҳисобланади. Аёл тақдири билан истаганча ўйнашишни касб қилган ҳизбчилар эса уни мана шу олий қадриятларга ҳам беэътибор бўлишга даъват этади. Мана, улар бу борада қандай фикрлайдилар:

“Чиройли ахлоқларга даъват этиш жамиятни ислоҳ қилишга ҳам, умматни уйғотишга ҳам олиб бормайди... Чиройли ахлоқларга даъват этиш мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалани ҳал қилишга даъват ҳам эмас” (“Ҳизбут-таҳрирнинг ўзгартиришдаги манҳажи”, 32-33-бетлар).

Бугина эмас, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш жазавасига тушган бу кимсалар динимизда буюрилган энг эзгу амалларни ҳам орқа-олдига қарамай инкор қилаверадилар. Мана, улар нима дейди:

“Сиёсий бўлмаган ишларни амалга ошириш мақсадида юзага келган уюшмаларнинг мусулмонлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим масалага ҳеч қандай алоқаси йўқ... Қуйидаги уюшмалар шундай уюшмаларга мисол бўла олади:

а) Мадраса ва шифохоналар қуриш, камбағал, етим-есир ва муҳтожларга ёрдам бериш каби хайрия ишларини амалга ошириш учун тузилган уюшмалар.

б) Ибодатларга ва суннатларга даъват қилиш мақсадида тузилган уюшмалар.

в) Исломий китобларни ёзиш, исломий маърифатни тарқатишга оид ишларни ёки ваъз ва иршодга оид ишларни амалга ошириш мақсадида тузилган жамиятлар.

г) Маъруф ишга буюриш ва мункар ишдан қайтариш мақсадида ташкил этилган жамият ва уюшмалар...” (Ўша китоб, 21-25-бетлар)

Демак, муқаддас динни “таҳрир” қилмоқчи бўлган бу кимсалар наздида юқорида саналган барча юмушларнинг исломга “ҳеч қандай алоқаси йўқ”. Хўш, унда ҳизбчилар мусулмонлардан нимани талаб қиладилар?

“Барча давлатлар Исломнинг душманидир” (“Сиёсий қарашлар”, 3-бет) деб билиш ва уларга қарши доимий уруш олиб боришни! Уларнинг ёвуз наздида “маҳаллий ёки қонуний урушларни ман қилишнинг имкони йўқ, бошқача қилиб айтганда, бундай **урушга қарши туриш адолат ва эзгуликка қарши туриш бўлади”** (Ўша китоб, 52-бет).

Бу гаплар ўз ниятларига мос келгани учунгина ўн миллион бегуноҳ одамнинг умрига зомин бўлган Биринчи жаҳон урушини қўллаб-қувватлаган, унинг иложи борича узоқроқ давом этишини истаган Лениннинг гапларини эслатмаяптими сизга? Айни шу Ленин бошчилигидаги большевиклар ҳам аёлларни оммавий тарзда урушга жалб этиб, уларнинг эгнига чарм куртка, елкасига патрон тасмаси илиб, қўлига маузер тутқазмаганмиди?

Фундаменталистлар Афғонистонда аёлнинг эркаксиз кўчага чиқишини таъқиқлаб, уларнинг ишлашини маън қилиб, аёлларни нафақат ўз эрининг қулига, заифага айлантирдилар, балки мактабларни юзлаб ўқитувчи аёллардан маҳрум қилиб, мамлакат тараққиётини ўнлаб йилларга орқага суриб юбордилар. Кўриниб турибдики, ҳизбут-таҳрирчилар аёлларни ҳар томонлама — ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам руҳий жиҳатдан тобе қилиш ниятидалар. Уларга мустақил, эркин фикрга эга аёл фақат ҳалақит беради. Аёлни инсоний қиёфадан айириш, ўз мақсади йўлига солиш учун уни ҳар томонлама ҳуқуқсизлантиришга интиладилар улар.

Бир эслайлик: Чеченистондаги аёлларнинг қўлини қонга ботириш, уларни террористик актларни содир қилишга мажбурлаш учун жангарилар қандай йўл тутдилар? Улар аёлнинг фарзандини тортиб олиб, болакайининг омон қолиши масаласида чорасиз аёлни жиноятга бошладилар. Бу усул ҳам айнан фашистларнинг усулига ўхшаб кетади.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги бир фильмни эслайман: унда фашистларнинг инсон организмининг чиниққанлик даражасини аниқлаш учун қилган тажрибалари тасвирланган. Шу мақсадда улар қишнинг чилласида бир қанча одамни яхлаган дарёга тушишга мажбур қиладилар ва маҳкумлар қанча вақтдан кейин музлаб ўлишларини кузатадилар. Ҳалиги синалаётган одамлар орасида қирғоқда фарзанди йиғлаётган она ҳам бор эди. Буни қарангки, она организмининг чидамлилиги, фарзанди кўз олдида тургани учун, бир неча чандон ортади ва ҳаммадан кейин шу аёл жон таслим қилади.

Аёлларга боягидек беписанд, бемеҳр муносабатни Гитлернинг ўзида ҳам кўрамиз. “Ақлли эркак учун содда ва калтафаҳм аёл керак”, деганди у. Тарихнинг бундай қайтариқлари ортиқча изоҳ талаб қилмаса керак.

### Хотима

Бу оқсоч дунё яралганидан буён қанча мутафаккирларни кўрмади, нене курашларнинг гувоҳи бўлмади, қандай кашфиётлардан лол қолмади. Дунё тараққиётини асрларга илгарилатиб юборган ғоялар билан бирга, афсуски, уни юзлаб йиллар ортга суриб ташлаган ғаддор қарашлар ҳукмига тушган пайтлар ҳам бўлди. Жумладан, ўтган XX аср миллионлаб инсонлар тақдирини паймол этган фашизм ва коммунизм балосини бошдан ўтказди. Улардан-ку бир амаллаб халос бўлган олам энди бу чиркин ғоялар дурагайидан пайдо бўлган «ислом экстремизми» деган хавф қаршисида қолди. Боя мисоллар келтирганимиз “асарлари”да ҳизбут-таҳрир назариётчилари маҳаллий урушларни очиқдан-очиқ тарғиб этганлари, шундай муҳорабаларга мусулмон оламини даъват қилганлари ҳолда, бу урушлар жаҳон урушига айланмайди, дея яна бир ёлғонни тиқиштиришга уринадилар. Барча фикрлари сингари бу масалада ҳам улар мантиқнинг юзига лой чаплаб беркитмоқчи бўлаётганларини шундан ҳам билсак бўладики, асосий қўлланмаларидан бири айнан боя биз келтирган - “Барча давлатлар Исломнинг душманидир” деган гапдан бошланади. — “Барча давлатларга қарши уруш”нинг номи жаҳон уруши аталмай, нима деб аталади, ахир?!

Демоқчимизки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва республикамиз аъзо бўлиб кирган бошқа қатор халқаро ташкилотлар бугун инсоният ҳаёти ва келажагига жиддий таҳдид солувчи хавфли кучга — ғояга қарши курашга бирлашмоқдалар. Бу кураш келгусидаги катта фожиаларнинг олдини олишга қаратилгани билан ҳам эътиборга лойиқдир!

**Озод АББОСХЎЖАЕВ, ҳуқуқшунос.**

